Jizzax davlat Pedagogika instituti
TARIX FAKULTETI

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

JOURNAL
2022

№3

Bosh muharrir:
Pardayev A.H. JDPI, tarix fakulteti dekani, t.f.n. dosent.

Bosh muharrir o‘rinbosari:
Aqchayev F.Sh. JDPI, tarix fakulteti, t.f.b.f.d. (PhD), dosent.

Mas'ul kotiblar:
Saidov J.O. JDPI, Tarix fakulteti o‘qituvchisi
Xo‘janova M. JDPI, Tarix fakulteti o‘qituvchisi

Tahririyat a'zolari:
1. Sagdullayev A.S. – tarix fanlari doktori, Akademik,
2. Ahmedshina F.A. – tarix fanlari doktori, professor,
3. Shodmonova S.B. – tarix fanlari doktori, professor,
4. Ochilova B.M. – falsafa fanlari doktori, professor,
5. Choriyev S. – falsafa fanlari doktori, professor,
6. Tulenova G. J. – falsafa fanlari doktori, professor,
7. Pardayev M.H. – tarix fanlari doktori, dosent,
8. G‘oyibov B.S. – tarix fanlari doktori (DSc), dosent,
9. Yarmatov R. – pedagogika fanlari doktori (DSc), dosent,
10. Saidqosimov A.I. – f.f.b. fan doktori (DSc), dosent,
11. Amanullayev A. – f.f.b. fan doktori (PhD), dosent,
12. Toshboev F.E. – tarix fanlari bo‘yicha fan doktori (PhD), dosent,
13. Mirkomilov B. – tarix fanlari nomzodi, dosent,
14. Saidov M. – falsafa fanlari nomzodi, dosent,
15. G‘ofurov J. – tarix fanlari bo‘yicha fan doktori (PhD), dosent,
16. Hoshimxonov M.X. – f.f.b. fan doktori (DSc), dosent
17. Valiev A.X. – katta o‘qituvchi,
18. Majidov A.S. – katta o‘qituvchi,
19. Karimova N. – o‘qituvchi,

Тарих ва Жамият илмий журнали

АМИР ТЕМУР ШАХСИ ВА ФАОЛИЯТИ ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР ТАЛҚИНИДА

Абдумажидов Жаҳонгир - ЖДПИ,
Тарих факультети 205-гуруҳ талабаси
Илмий раҳбар: *ўқит.Ж.Б.Жумаев*

Аннотация: Ушбу мақолада муаллифларнинг ғарб тарихчиларини Сохибқирон Амир Темур шахси ва фаолияти хусусида билдирган фикр-мулохазалари хақидаги изланишлари ёритилган.

Калит сўзлар: Соҳибқирон, Амир Темур, Президент, ЮНЕСКО, Л.Керен, темуршунослик, Клавихо, Франция, дипломатия, историография.

Аннотация: В данной статье обобщаются исследования авторов взглядов западных историков на личность и деятельность Сахибкирана Амира Темура.

Ключевые слова: Сахибкиран, Амир Темур, президент, ЮНЕСКО, Л. Керен, темурология, Клавихо, Франция, дипломатия, историография.

Annotation: This article melts the authors' research on the views of Western historians on the personality and activities of Sahibkiran Amir Temur.

Keywords: Sahibkiran, Amir Temur, President, UNESCO, L. Keren, Temurology, Clavijo, France, diplomacy, historiography.

Амир Темур ва темурийлар давлатчилиги ва маънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “...бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.”[Каримов,1998. 414 б.].

Бизга маълумки, БМТ қошидаги таълим ва маданият ташкилоти-ЮНЕСКО қарори асосида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги дунёда кенг нишонланди. 1996 йил апрелида мазкур ташкилотнинг Парижда жойлашган бош қароргоҳида “Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Ушбу анжуманда Биринчи Президентимиз нутқ сўзлаб, Соҳибқироннинг тарихдаги ўрнига юксак баҳо берди: “Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. У ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантирди. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори-атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келаяпти.

Соҳибқирон замонасининг ажойиб дипломати, давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилиши ва савдо-иқтисодий алоқалар ривожланишининг тарафдори сифатида ҳам машҳур эди. У олимлар ва ҳакимлар, меъморлар ва шоирларнинг буюк ҳомийси янглиғ донг чиқарган.” [Каримов, 1996. 4б.].

Темур даврининг классик тарихчиларидан бўлган Ибн Арабшоҳ Амир Темур фазилатларини шарҳлаб ва “Темур тенгги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) таъбири тагига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топилади”, - деб таъкидлаб, унга юксак баҳо берган эди [Ибн Арабшоҳ, 1992.70 б.].

Амир Темурнинг тарихий шахс ва давлат арбоби сифатидаги фазилатлари ҳақида ўз даврида жуда кўплаб хорижлик муаллифлар фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Аммо айнан уни кўриб, суҳбат қилган кишилар жумладан, Ибн Халдун, дон Клавихонинг ёзиб қолдирган фиклари ҳамда Темурнинг маслаҳатчиси ва, айниқса, Ғарб мамлакатларига юборган христиан элчиси Ионн Францискнинг ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланаётган хотиралари қимматли ва ишончли манбалардир. “ Амир Темур форс, араб ва турк тилларини билади. Қуръон илми ва Ислом ҳуқуқшунослиги илмида шу қадар кучли олимки, ҳеч бир мусулмон олими у билан мунозара қилишга қодир эмас, у олим ва шоирларга катта ҳурмат кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, унинг ўзи олим ва донишманддир.” [“Ҳаёт ва қонун”, №7.1997, 13 б.]. Ушбу қимматли манбада келтирилган таъриф собиқ Шўро тарихчилари томонидан Соҳибқиронга берилган таърифларни йўққа чиқаради.

Минг йиллар давомида инсониятнинг буюк даҳолари Ғарбда Платон ва Аристотел, Шарқда Форобий ва Яссавийгача тарихий тараққиётнинг ички мантиғини тушунишга ва шу асосда башариятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ривожланиши муаммоларини ижобий ҳал этиб, жамиятни бошқаришнинг энг мақбул, адолатли усулларини баён этиб беришга интилдилар. Луи Бональд:“Инсон жамият учунгина мавжуд, жамият эса инсонни ўзи учун шакллантиради”,- дейди [Эргашев, 2000. 12 б.]. Шу нуқтаи назардан қараганда, чингизийлар асоратида бир ярим аср мобайнида топталган, эзилган Турон ўлкасининг сиёсат майдонида пайдо бўлган Амир Темурни фақат ўз манфаатлари учун курашга чиқди, десак, ҳақиқатдан узоқлашган бўламиз ёки унинг “Тузуклари” фақат ўзи ва авлодлари учун зарур эди, деган хулосага борсак, тор фикр юритган бўламиз. Манбаларда келтирилишича, Соҳибқирон мамлакат тахтига ўтирган биринчи кунларданоқ, яъни 1370 йилнинг апрелидан бошлаб давлат ишларини қомусий ҳужжатлар асосида юритишга ҳаракат қилди.

Барпо этилган салтанатда Амир Темур турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ҳамда унинг ҳукми билан қонун даражасига кўтарилган қоидалар бор эдики, уларни тўплам ҳолатига келтириб, ўзидан кейинги

ворисларига ҳам қонунлар мажмуи, ҳам турмуш тажрибаси ва маслаҳатлар йиғиндиси тарзида қўлланма қилиб қолдириши лозим эди. Ана шу тўплам тарихий асарларда ўзиниг турли тиллардаги таржималарига мос ҳолда “Темур тузуклари”, “Тузуки Темурий”, “Темурнинг айтганлари” ва “Воқеоти Темурий-Темурнинг бошидан кечирганлари”, “Уложение Темура”, “Қиссаи Темур”, “Малфузоти Темурий” номлари билан машҳурдир. Тузук сўзи аслида эски ўзбек тилида “Қонун-қоидалар тўплами, “Низом” каби ҳуқуқшуносликка оид маънони англатган [“Ҳаёт ва қонун”, №7.1997, 13б.].

Машҳур француз темуршунос олими Люсьен Керен “Тузуклар”га юксак баҳо берган: “Яман ҳукмдорларидан бирининг кутубхонасидан ўз мукаммаллиги билан катта шов-шувларга сабаб бўлган йирик бир қўлёзма топилган”, - деб ёзади у, - бу Амир Темур тузуклари бўлиб, унда Соҳибқирон тахтга ўтириши ва жанггоҳларда зафар қучишининг сир-асрорларини баён қилади.” [Керен Л, 1999. 10 б.].

“Тузуклар”нинг яратилиши масаласида, республикамиз фани ва маданияти фидойиси марҳум И.Мўминов таъкидлаганидек, тарихчиларнинг фикри учга бўлинади. Баъзи тадқиқотчилар, ҳақиқатдан ҳам унинг муаллифи Темур десалар, бошқалари уни Темурнинг котиби тузган, учинчилари эса умуман туркий тилда бундай манба бўлмаган, у XVII асрда йилномачилар томонидан форс-тожик тилида тузилган дейишади. Айнан шу охирги фикрни биз беғараз илмий фикрлар қаторига қўша олмаймиз [Маматов Х, 2002.49 б.].

Ўрта Осиё халқларининг жанг олиб бориш усулларини тадқиқ қилган М.Иванин эса “Тузуклар”ни ҳақиқатан ҳам Амир Темур ҳузурида чақирилган кенгашларда тўпланган маълумотлардан тузилган бўлиши тўғрисидаги фикрни билдиргани ҳолда, уни “мўғул тилида ёзилган” деб нотўғри таъкидлайди.

Маълумки, темурийлар саройининг хизматида бўлган машҳур тарихчи олим Шарофуддин Али Яздий Амир Темур девонхонасида туркий тилда “Манзума” тузилиб, таҳрир қилинганлигини ёзиб қолдирган. Унинг дастлабки нусхаси туркий тилда ёзилганлигини тарихий манбалардан ташқари, биринчидан, Темур саройида бўлган испан элчисининг гувоҳлиги ҳамда тарихчи Ш.Яздий ёзиб қолдирган-девонхонада давлат ишларини юритиш уйғур мирзолари томонидан туркий тилда олиб борилганлиги ҳақидаги маълумотлар; иккинчидан, тузуклар араб ва форс тилида ёзилган манбаларда бўлгани каби нисбатан анъанавий ўхшатишлар, муболағалар, тарихий асарларни шеърлар билан безаш, ҳар бир тарихий шахсни ёзганда, унинг номини узундан-узоқ таърифлар биолан улуғлашдан узоқлиги, шу билан бирга туркий тилга хос бўлган аниқлик, қисқалик ва қатъийлик билан ифодалангани, яъни ўзига хос ёзилиш услубига эга эканлиги; учинчидан, унинг ҳақиқий туркийча номи - “Тузуклар” - “қонун”, “қоида”, “низом” , “тартиб” каби маъноларни англатиши; тўртинчидан, унинг таржималарида ҳам турк-Чиғатой сўзлари кўплиги; бешинчидан, бизгача Темур ва темурийлар давридан кўплаб

турк-чиғатой тилидаги ёзувлар ва ҳужжатларнинг етиб келганлиги ва “Тузуклар” ҳам улар жумласидан эканлигидир [Маматов Х, 2002. 49-50 б.].

Аммо Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлгани каби унинг “Тузуклари” ва Соҳибқирон жорий этган қонунларга қизиқиш ҳамда уларга етарлича баҳо бериш Европа мамлакатларида жуда эрта бошланганини қайд этиш лозим. Жумладан, француз олими Л.Лянгле ўзининг 1772 йилда ёзилган “Темурнинг сиёсий ва ҳарбий бошқаруви” номли асарида бу тарихий-ҳуқуқий манбанинг аҳамияти тўғрисида шундай дейди: “Биз ҳарбий юришларига талончилик мақсадида қилинган босқинчилик деб қараган татарлар хони, (гап Амир Темур ҳақида кетмоқда) ҳарбий ва сиёсий тактика ҳақида трактат (рисола) ёзганлиги, ўз авлодлари учун доно тизим яратганлигини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Қачонки бу ҳукмдор бошқариш тизимини қўлдан қўйиш лозимлигини англатгач, ўзининг ворисларига оғзаки маслаҳат бериш билангина чекланиб қолмасдан, у-Темур, империя билан биргаликда яна ҳам қимматли нарса-уни сақлаш санъатини совға қилди.” [Саидова, 1996. 143 б.].

Бундан кўринадики, олим “Тузуклар”га юксак баҳо бериб, уни давлатни бошқариш ва сақлаб қолиш санъати ҳақидаги рисола деб баҳолайди.

Немис тарихчиси Ф.Шлоссер ҳам Темурнинг фаолияти ҳақида шунга ўхшаш ижобий таъриф беради: “ Умрини урушларда ўтказган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этар эди. Бу қонунлар татар-мўғуллари (Европада шундай деб билганлар) томонидан қилинадиган ваҳшийлик ва вайронагарчиликларга ҳайрон қоларли даражада қарши турарди”.

Рус тарихчиси Т.Н.Грановский (1813-1855) ўзининг 1852 йилда МДУ талабалари учун ўқиган “Темур” деган маърузасида (мақола бошқа асарлари билан 1855 йилда нашр этилган), рус тарихчиларидан биринчи бўлиб Амир Темурнинг фаолиятига, уни яхши ўрганмасдан салбий баҳо беради. Бу муаллиф Темур ёшлигида майда талончилик, йўлтўсарлик билан шуғулланган, деган фикрни илгари сурган [Маматов Х, 2002. 52 б.].

Афсуски, бу нотўғри маълумот қарийб 150 йил давомида рус тарихчилари асарларида қайта-қайта такрорланаверган. Амир Темур фаолиятига, шахсига ана шундай баҳо бериш ўтган Шўролар даврида коммунистик адабиётларда ҳукм сурди.

Хулоса қилиб айтганда, Соҳибқирон Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиб, марказлашган қудратли давлат тузди. Ўз юртининг тинчлиги, мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун қудратли армияга асос солди, уни ўз замонасиниг илғор қуроллари билан таъминлади, ҳарбий тактикани ривожлантирди, қўшин таркибини такомиллаштирди. Бу эса жаҳон тарихида Соҳибқирон бобомиз буюклигининг яна бир ёрқин намунасидир.

Амир Темур Ватанимиз ҳудудида ҳарбий иш ва тактиканинг ривожланишида чуқур из қолдирди, у нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон ҳарб

илмини ривожлантиришга, янги усуллар ва тактикани шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Донишманд бобокалонимизнинг тарихий ўгитлари янгиланаётган Ўзбекистон шароитида халқимиз ва муҳтарам Юртбошимиз томонидан изчил амалга оширилаётганлигига бизнинг ҳар биримиз гувоҳмиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Амир Темур-фахримиз, ғуруримиз. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция тезислари тўпламига ёзилган сўзбоши. Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ибн Арабшоҳ. “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Араб тилидан У.Уватов таржимаси. 2-қисм. Т.: Меҳнат, 1992.
4.“Ҳаёт ва қонун”, №7,1997. А.Жузжонийнинг “Амир Темурнинг ҳуқуқий қоидалари” мақоласидан олинди.
5. Эргашев Ш. Демократик ғоя ва бошқарув тамойиллари. Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2000.
6. Керен Л. Амир Темур салтанати. Т.: Маънавият, 1999.
7. Маматов Х.Т. Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т., 2002.
8. Саидова К. Амир Темур давринининг муҳим ҳужжати // Амир Темур-илм-фан ҳомийси. Халқаро илмий конференция. 22-23 май, II-қисм. Самарқанд, 1996.